

ЎЗБЕК ТИЛИ**8-синф****2-вариант****1. Ундалманинг хизматига берилган таърифни аниқланг.**

- А) Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга қўшимча муносабатини ифодалаш учун хизмат қилади.
Б) Ўздан аввал келган бўлакнинг маъносини тўлдиради, ойдinлаштиради.
В) Баён қилинган фикрнинг кимга қарашли эканлигини ифодалаш учун хизмат қилади.
Г) Баён қилинган фикрнинг аввалги фикр билан боғлиқ эканлигини ифодалаш учун хизмат қилади.
Д) Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни ифодалаш учун хизмат қилади.

2. Ундалма қатнашган гапни аниқланг.

- А) Қирғизистон! Она диёрим менинг!
Б) Ҳали ҳаёт олдинда.
В) Сойда, ёнғоқ тагида, болалар тўпланадилар.
Г) Камчиликни тан олиш уни тузатиш учун қилинган биринчи қадамдир.
Д) Афсонавий ойгул гули Қизил Китобга киритилган.

3. Берилган гапдаги ундалмани кўрсатинг.

*Уруш, номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас, сен солган алам.*

- А) Алам Б) Номинг В) Жаҳонда Г) Уруш Д) Сен.

4. Ёйик ундалма иштирок этган гапни топинг.

- А) Ёш-қари, эркак-аёл - ҳамма меҳмонларни кутиб олишга пешвоз чиқди.
Б) Ватанимизнинг азиз фарзандлари, ҳамма эътиборни бил им асосларини эгаллашга қаратайлик.
В) Фарзанд қандай оқлар она ҳаққини.
Г) Баландда, юлдузли кўкда, қаёқдадир самолётлар учиб ўтди.
Д) Эҳтимол, эртага ёмғир ёғади.

5. Қайси гапда ундалмани гапнинг бошқа бўлакларидан ажратишда ишоравий белги нотўғри танланган?

- А) Шоқиржон, сен қаерда ўқияпсан? Б) Юринг, ўрток Одилов. Кетдик.
В) Э, Зоқиржон, сизмисиз? Қачон келдингиз? Г) Алло, Фарида! Салом!
Д) Салом, Ҳошимжон? Қачон қайтасиз?

6. Берилган гапларнинг қайси бирида кириш сўзи иштирок этган?

- А) Ука, ҳали ҳаётингиз олдинда.
Б) Улуғбек буюк олим, ҳаётини илм йўлида қурбон қилди.
В) Ўктамжон аёллардан бирини, Мастурани, кўпдан бери кузатиб юрарди.
Г) Ҳайрият, иссиқ кунлар ҳам келар экан.
Д) Мен сенга ёрдам бераман, қизим.

7. Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрига қўшимча мулоҳазасини билдирган гап -

- А) Кириш гап ҳисобланади. Б) Дарак гап дейилади.
В) Сўроқ гап деб юритилади. Г) Ундов гап деб аталади. Д) Буйруқ гап.

8. Гап бўлаклари билан алоқага киришмайдиган “бўлақлар”нинг номи келтирилган жавобни кўрсатинг.

- А) Ундалма, кириш сўз, кириш сўз бирикмаси, кириш гап. Б) Эга ва кесим.
В) Аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол. Г) Ажратилган бўлақлар.
Д) Бош бўлақлар ва иккинчи даражали бўлақлар.

9. Шифокорларнинг маслаҳатига кўра, кўк пиёз иштаҳа очувчи, микробларни йўқотувчи, С витаминига бой маҳсулот. Гапдаги кириш сўз бирикмаси тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

- А) Кўк пиёз Б) Иштаҳа очувчи В) Шифокорларнинг маслаҳатига кўра
Г) Микробларни йўқотувчи Д) Витаминга бой маҳсулот.

10. Қуйидаги гапда эга қайси сўз туркуми билан ифодаланган?

Билган билганин ишлар, билмаган бармогин тишлар.

- А) Ажралмас бирикма билан Б) Отлашган сифатдош билан
В) Феъл билан Г) Отлашган сифат билан Д) От билан.